БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 153 (900)

2 АВГУСТ

20 тийин

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИКНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

Тошкент область партия комитетининг бўлиб ўтган Пленуми «Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1957 йил учун олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишининг бориши ва Тошкент область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди ҳамда партия, совет, хўжалик ташкилотлари олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб берди.

Областимиз меҳнаткашлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб саноатни, қишлоқ хўжалигини, халқ моддий ва маданий фаровонлигини ошириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Улуг Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа ишчилар, колхозчиларнинг ижодий активлиги, меҳнат ғайратини областимиз олдида турган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқда. Илғор колхозлар, совхозлар, МТСлар июль ойида ғўзаларни комплекс парвариш қилишни уюштириб, бу йилги олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Областимиз бўйича 25 июлга қадар 120 минг гектар ердаги ғўза ёппасига ҳосилга кирди. Аммо 45-50 минг гектар майдондаги ғўзалар ҳосилга анча кеч кирди ва ривожланиш жиҳатидан 10-15 кун орқада қолмоқда. Ривожланиш жиҳатидан 20-25 кун орқада қолаётган ғўзалар ҳам бор. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 1- «Далварзин», 3-«Боёвут», Булганин номли, «Фарҳод», «Дружба» ва Мирзачўл группа районларидаги бошқа совхоз ва колхозларда ғўза ривожланиш жиҳатидан анча орқада қолаётганлиги учун олинган социалистик мажбуриятни бажарадиган даражада ҳосил тўплаш хавф остида қолмоқда. Катта майдонларда ғўзаларнинг қониқарсиз ривожланаётганлигининг сабаби шуки, айрим колхоз, совхоз, МТС ва район раҳбарлари об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлиги туфайли юз берган қийинчиликларни тезда бартараф қилиш чорасини кўрмадилар, ғўзани ҳар тарафлама сифатли парвариш қилинишини таъминлай олмадилар. Районлардаги айрим раҳбарлар об-ҳавони баҳона қилиб, дала ишлари суръатини кескин пасайиб кетишига йўл қўйдилар. Бекобод, Юқори Чирчиқ, Ўртасарой районларининг раҳбарлари ишга ана шундай бепарволик билан қарадилар.

Пленум ғўза парваришининг ҳозирги ҳал қилувчи давридаги вазифаларни батафсил кўрсатиб берди.

Август ойи — мўл ҳосил тўплаш ва уни барвақт етиштиришнинг якунловчи даври. Бу даврда ғўзалар тез кўсаклайди, шунинг учун ҳам зарур тадбирларни кўриб, бу кўсакларни сақлаб қолиш керак. Бу йил август ойида ғўза парваришининг аҳамияти шунинг учун ҳам зўрки, ҳозир катта майдонларда ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда, бу қолоқлиқни пахта йиғим-терими давригача парваришни сусайтирмаганлигина тугатиш ва қўшимча ҳосил тўплаш мумкин. Октябрда йиғиб олинадиган ҳосил худди шу август ойида тўпланишини унутмаслик керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ўзининг «1957 йил август ойида ғўза парваришини ўтказиш ҳақида»ги қарорида кўрсатиб ўтганидек, август ойида ғўза парваришини юзасидан олиб бориладиган ишларнинг озгина бўлса ҳам сусайтирилиши мавжуд ҳосил тугунчаларининг тўкилиб кетишига олиб келиши, ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни бажарилишини қийинлаштириб қўйиши мумкин.

Вазифа — мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини 1 сентябргача давом этдиришдан, барча экин майдонларида 2 марта узунасига ва бир марта кўндалангига культивация ўтказишдан иборат. 1,5-2 марта кетмон чопиги ўтказилиши ва суғорилиши, бир марта ғўза илдизи орқали озиқлантирилиши, белгиланган майдонларда барги орқали озиқлантирилиши керак. Чеканкани ўз вақтида, ғўзаларнинг ўсиш суръатига қараб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги ҳал қилувчи кунларда культивация, озиқлантириш, суғориш, чопиқ ва чеканканинг ўз вақтида ҳамда агрономия талабларига тўла амал қилган ҳолда ўтказилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш зарур. Агротехникада сохталикка ва шаблонга мутлако йўл қўймаслик керак. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ғўзани парвариш қилишда меҳнатга яроқли ҳар бир колхозчининг ишга ўз вақтида чиқишини таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш — колхоз правленилари, совхоз ва МТС дирекцияларининг муҳим вазифасидир.

Пленум чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш — партия, совет, хўжалик ташкилотлари олдида турган муҳим вазифа эканлигини алоҳида уқдириб ўтди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимиз олдига аҳоли жон бошига сут, гўшт ва ёғ етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини қўйди. Областимиз меҳнаткашлари партиямиз чақиригига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, чорвачиликни юксалтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун барча тадбирларни кўрмоқда. Ўтган олти ой ичида область колхоз ва совхозларида гўшт, сут етиштириш ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан қўпайди. Илғор колхозлар чорвачилик соҳасида яхши натижаларга эришмоқдалар. Қорасув районидаги Свердлов номли, Калинин районидаги Ворошилов номли, Сталин номли ва бошқа қишлоқ хўжалик артелларининг бу соҳадаги ишлари ибратлидир.

Пленумда чорвачилик соҳасида катта камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, гўшт, сут, ёғ етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берадиган имкониятлардан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги учун айрим район раҳбарлари танқид қилинди.

Вазифа — чорвачиликни янада юксалтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланишдан, аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштиришда яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш юзасидан партиямиз томонидан қўйилган топшириқларни бажариш учун бутун куч ва моддий ресурслардан фойдаланишдан иборат.

Пленум область партия, совет, хўжалик ташкилотлари олдида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам кескин равишда юксалтиришни муҳим вазифа қилиб қўйди. Йирик саноат районларини, айниқса Тошкент шаҳрини картошка, сабзавот, боғчачилик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш, партия ва ҳукуматимиз томонидан совет халқи олдига қўйилаётган буюк вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш партия ташкилотларининг раҳбарлигига ҳар тарафлама боғлиқдир. Область партия комитетининг пленуми шуни алоҳида қайд қилиб кўрсатдики, ишимизнинг муваффақияти партия ташкилотларининг раҳбарлик методига, хўжаликка ишнинг қўзини билиб, пухта раҳбарлик қила билишга боғлиқдир.

Партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни ҳозирги куннинг юксак вазифалари даражасига кўтариш, колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар тарафлама яхшилаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига қизиб кетган социалистик мусобақасига бошчилик қилишлари, колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчиларининг ижодий куч, ташаббуси ва ғайратини коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини бажаришга сафарбар этишлари зарур.

Шубҳа йўқки, областимиз партия, совет, хўжалик ташкилотлари қишлоқ хўжалигига раҳбарликни янада яхшилайдилар, бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдилар.

Каменск областининг колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар

Каменск областининг колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари, 1957 йил 29 июлда бажардилар. Давлат омборларига 40 миллион пуд дон топширилди, шу жумладан асосий озиқ-овқат экини бўлган буғдой 37,1 миллион пуд топширилди. Давлатга дон топшириш ва сотиш давом қилмоқда. Пландан ташқари ҳаммаси бўлиб давлатга камида 4 миллион пуд дон топширилади.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Раиси ўртоқ МАО ЦЗЕ-ДУНГА

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий комитетининг Раиси ўртоқ ЛЮ ШАО-ЦИГА

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри ўртоқ ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙГА

ПЕКИН

Қадрли ўртоқлар!

Хитой Халқ Озодлик Армиясининг 30 йиллиги билан Сизларни ва Сизлар орқали қардош хитой халқини табриклашга ижозат бергайсиз. Халқ Озодлик Армияси 30 йил мобайнида революцион урушлар ўти ичидан ўтиб, хитой халқининг кўп сонли душманларини енгди ва ўз мамлакатининг озодлиги ҳамда мустақиллигини курашиб қўлга киритди. Хитой Коммунистик партиясининг доимий гамхўрлиги туфайли Халқ Озодлик Армияси қўзғолончи отрядлардан биринчи даражали армияга айланди, Бутун хитой халқи бу армия билан ҳақли суратда фахрланмоқда.

Энг янги техника билан таъминланган, қўшинларнинг барча ҳозирги замон турларига эга бўлган қудратли Хитой Халқ Озодлик Армияси эндиликда Хитойнинг озодлиги ва мустақиллигини, хитой халқининг социалистик галабаларини, Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкам суратда қўриқлаб турибди.

Хитой Халқ Озодлик Армиясининг солдатлари, офицерлари ва генералларига ва бутун улуг хитой халқига социалистик ватан қурилишида ҳамда тинчликни ҳимоя қилишда янги муваффақиятлар тилаймиз.

К. ВОРОШИЛОВ
СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Н. БУЛГАНИН
СССР Министрлар Совети Раиси

Н. ХРУШЧЕВ
КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари

Москва, Кремль
1957 йил 31 июль.

Хитой Халқ Республикасининг Мудофаа министри Хитой Халқ Республикасининг маршали ўртоқ ПИН ДЭ-ХУАЙГА

ПЕКИН

Қадрли ўртоқ Пин Дэ-хуай!

Хитой Халқ Республикаси қаҳрамон Халқ озодлик армиясининг 30-йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари номидан Сизга ва армия ҳамда флотнинг бутун шахсий составига жанговар салом ва самимий табрикларни йўллайман.

Хитой Коммунистик партияси вужудга келтирган ва тарбиялаган Халқ озодлик армияси шонли жанговар йўл босиб ўтди. Армия ва фолтимизнинг жангчилари Хитой Халқ озодлик армиясининг ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда кўрсатган мардлиги, шавкати ва қаҳрамонлигини бутун совет халқи билан биргаликда ғоят қадрламоқдалар.

Биз шу шонли кунда хитой ва совет армиялари ўртасидаги жанговар дўстликни айниқса зўр хурсандчилик билан қайд қиламиз. Бу дўстлик ҳамиша ривожланмоқда, мустаҳкамланмоқда ва халқларимизнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкам суратда таъминлайди.

Совет Қуролли Кучларининг шахсий состави қуролдош ўртоқларга — улуг халқ Хитойининг жангчиларига ўз социалистик Ватанининг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда янгидан янги муваффақиятлар тилайди.

Г. ЖУКОВ
ССР Иттифоқи Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали

Москва,
1957 йил 31 июль.

МОСКВАДА ХИТОЙ ХАЛҚ-ОЗОДЛИК АРМИЯСИНИНГ УТТИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Хитой Халқ-озодлик армияси ташкил этилганига 1 августда 30 йил тўлди. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари бу шонли кунни улуг хитой халқи билан бирга кенг нишонламоқдалар.

31 июлда Москвада ССР Иттифоқи Мудофаа министрлигининг Москва гарнизони қўшинларининг вакиллари ва пойтахт меҳнаткашлари билан биргаликдаги тантанали мажлиси бўлди.

Совет Армиясининг Марказий театрида Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг генераллари, адмираллари, офицерлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, Москва саноати ходимлари тўпландилар. Залда Хитойдан келган меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков, Хитой Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Лю Сяо, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти бош штабининг бошлиги Совет Иттифоқи маршали В. Д. Соколовский, Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси ҳузуридаги ҳарбий атташе генерал-лейтенант Хань Чжэн-цзи, Совет Иттифоқи маршаллари И. Х. Баграмян, С. С. Бирюзов, С. М. Буденний, К. А. Мерецков, адмирал С. Г. Горшков, қўшин турлари маршаллари, Совет Армиясининг генераллари ва офицерлари, Хитой Халқ-озодлик армиясининг генераллари ва офицерлари ўтиришибдилар.

Тантанали йиғилишни СССР Мудофаа министрлиги Бош сиёсий бошқармасининг бошлиги генерал-полковник А. С. Желтов очди.

Совет Иттифоқи маршали В. Д. Соколовский нутқ сўзлайди. У Хитойда халқ революциясининг галабаси оламшумул тарихий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида, Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида социализм қурилишида катта муваффақиятларга эришган хитой халқининг қаҳрамонона меҳнати тўғрисида гапиради.

— Хитой халқи ва унинг қуролли кучлари, — деб таъкидлайди В. Д. Соколовский, — тинчлик ва социализм учун курашда Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларининг халқлари ҳамда қуролли кучлари билан ёнма-ён туриб бормоқда. Хитой ва совет халқларининг бузилмас дўстлиги Узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун биргаликда олиб борилаётган курашда улуг кучдир.

Пойтахт меҳнаткашлари номидан «Серп и молот» металлургия заводининг прокатчити М. И. Леонов сўзлади.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари С. Д. Орлов йиғилишда ҳозир бўлган хитойлик ўртоқларни ва улар орқали бутун хитой халқини Москва шаҳар партия ташкилоти ва Москвадаги ҳамма меҳнаткашлар номидан қизғин табриклади.

Хитой Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси ҳузуридаги ҳарбий атташе генерал-лейтенант Хань Чжэн-цзи сўзга чиққанда йиғилиш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар.

У Хитой революцион ишчи-деҳқон Қизил армиясининг вужудга келиши тарихи тўғрисида, унинг чет эл агрессорларга қарши курашда қозонган ғалабалари тўғрисида гапиради.

Хань Чжэн-цзи хитой халқи социалистик қурилишнинг барча соҳаларида эришган катта муваффақиятлар тўғрисида сўзлаб берди.

У, йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Хитой ва Совет Иттифоқи халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва бирлиги шарафига, Хитой ва Совет Иттифоқи қуролли кучлари ўртасидаги буюк бирлик шарафига тақрик хитоблари айтади.

Тантанали йиғилиш ғоят самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Қўшма Ахборот

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийлари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Жаноб Олийларининг таклифига мувофиқ, 1957 йил 17 июль (1336 йил 26 саратон)да СССРга яхши ният билан визит қилди.

Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийларининг шу сафари вақтида Афғонистон Бош Министрининг иккинчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Сардор Муҳаммад Наим подшо Жаноб Олийларига ҳамроҳ бўлди. Сардор Муҳаммад Наим бундан илгари Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министри А. А. Громико томонидан таклиф этилган эди.

Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийлари ана шу дўстона сафари вақтида Москвада К. Е. Ворошилов Жаноб Олийлари билан ва Совет Иттифоқи ҳукуматининг бошқа раҳбарлари билан учрашди ва суҳбат қилди.

Суҳбатлар Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида мавжуд дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари асосидаги дўстлик ва самимият вазиятида ўтди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси Жаноб Олийлари ва Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийлари ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган масалалар юзасидан фикр олишдилар ва ўз фикрларини баён қилдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Жаноб Олийлари ва Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийлари ҳар иккала мамлакатнинг сиёсатини тушунганликларини баён қилдилар, ўз ҳукуматларининг ўз мамлакатларини ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга интилаётганликларини таъкидладилар, шунингдек ҳар иккала мамлакат халқларининг бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш йўлидаги истагига юксак баҳо бердилар.

Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийлари Афғонистоннинг бетарафлик сиёсати тўғрисида изоҳлар берди. Мамлакатнинг тинчликсеварлиги ва уни ривожлантиришга интилиш ана шу сиёсатнинг манбаидир.

Томонлар дунёдаги барча халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш бутун дунёда тинчликнинг негизи эканлигини якдиллик билан изҳор қилдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Жаноб Олийлари ва Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийлари халқаро миқёсдаги ҳамкорликнинг ва дунёдаги халқлар ҳамда миллатлар ўртасида ўзаро ёрдамлашишнинг бундан буён ҳам зарур эканлигини таъкидладилар.

Улар дунёдаги халқларнинг тинч-тотув яшаш принципи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принциплари ва руҳига мувофиқ эканлигини яна бир марта таъкидладилар.

Улар халқаро муносабатлардаги кескинликнинг мавжудлиги ва ялпи қирғин қуролларининг мавжудлиги муносабати билан дунёда рўй бериб турган ташвишни тугатиш учун инсоният ўзининг бутун моддий ва маънавий имкониятларини сафарбар қилишини истаганликларини билдирдилар.

Улар барча илмий ва техника воситаларидан тинчлик мақсадларида, дунёдаги халқлар ҳаётининг энг яхши моддий ва маънавий, бахт келтирадиган шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида фойдаланишга интилаётганликларини билдирдилар.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида ҳамиша амалга оширилиб келган дўстона, яхши қўшничилик сиёсатининг ижобий натижаларини эътиборга олиб, дўстона муносабатларни давом эттиришни истаётганликларини таъкидладилар ва ана шу муносабатларни бундан буён ҳам ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганликларини айтдилар. Бу эса, тинчлик, хавфсизликка ҳамда халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни ривожлантиришга ёрдам беради.

Афғонистон подшоси Ҳазрат Олийлари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Жаноб Олийларини яхши ният визити билан Афғонистонга келишга таклиф этди.

Ана шу дўстона таклиф қабул қилинди.

Афғонистон Ташқи ишлар министри СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Жаноб Олийларини СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Афғонистонга қиладиган сафари вақтида унга ҳамроҳ бўлиб боришни таклиф этди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси
К. Е. ВОРОШИЛОВ.

Афғонистон подшоси
МУҲАММАД ЗОҲИР шоҳ.

Москва, 1957 йил 30 июль, (1336 йил 7 асад).

Совет-Афғонистон муносабатларига доир

1957 йил июль ойида Москвада Афғонистон Бош Министрининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Сардор Муҳаммад Наим Жаноб Олийлари билан Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министри А. А. Громико ўртасида ҳар иккала томонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр олишув бўлди. Фикр олишув давомида ўзаро ҳамкорликнинг ижобий натижалар берганлиги қайд қилинди ва ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, бу ҳамкорликни янада ривожлантиришга қарор берилди.

Афғонистон подшо ҳукуматининг истакларини қувватлаб, Совет Ҳукумати Афғонистоннинг шимолий районларида нефть қидириб топиш соҳасидаги геологияқидирув ишларини ўтказишда Афғонистонга ҳеч қандай сиёсий шартлар ёки бошқа шу хилдаги шартлар қўймасдан бегараз техника ёрдами ва моддий ёрдам беришга розилик билдирди.

Совет ҳукумати Афғонистоннинг иқтисодий тараққиёти учун зарур бўлган миллий техника кадрларини тайёрлашда ҳам Афғонистонга ёрдам кўрсатишга рози бўлди.

Музокаралар давомида СССР ва Афғонистон ҳукуматлари ўртасида Совет-Афғонистон давлат чегараси режими тўғрисидаги шартномани тузиш ҳақида бамаслаҳат бир фикрга келинди. Шу мақсадда томонларнинг компетент вакиллари тайинланади. Бу вакилларга яқин вақтлар ичида шу масала юзасидан конкрет музокаралар олиб бориш топширилди.

Ҳар иккала томон СССР билан Афғонистон ўртасидаги чегара дарё сувларидан фойдаланиш мақсадида ҳамкорлик қилишга ҳам рози бўлди.

Юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан олиб борилган музокаралар дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди ва бир қанча масалалар юзасидан тегишли битимларни имзолаш билан тугалланди.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳнинг Ўзбекистонда бўлиши

Афғонистон давлатининг бошлиғи Тошкентга келган куниёқ Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги билан танишишни истаганлигини айтган эди. 1 август эрталаб подшо Муҳаммад Зоҳир шоҳ Бош Министр ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Муҳаммад Наим ҳамда Афғонистоннинг бошқа давлат арбоблари билан биргаликда Янгийўл районидаги Сталин номли колхозни бориб кўрди. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. П. Тарасов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосри А. В. Захаров, СССР нинг Афғонистондаги Элчиси М. В. Дегтярь, армия генерали И. В. Тюленев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов, республика Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимининг мудири А. П. Павлов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетков ҳурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Сталин номли колхоз аъзолари меҳмонларни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. Колхоз раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов ҳурматли меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини правление биносига таклиф этди. Бу ерда қизғин суҳбат бўлди. А. Ортиқов Афғонистон вакилларининг саволларига жавоб қайтариб, жамоат хўжалигининг барқ уриб ўсаётганини кўрсатувчи жуда кўп мисолларни келтирди. Колхоз чорак аср мобайнида пахта ҳосилдорлигини олти баравардан зиёд оширди. Ҳозирги вақтда ҳар гектардан 35-40 центнердан ҳосил олинмоқда. Бу муваффақиятлар кучли техникага эга бўлган ва совет қишлоқ хўжалик фанининг энг янги ютуқларини практикада татбиқ этаётган деҳқонларнинг зўр ғайрат билан қилган меҳнати натижасидир.

— Мен жуда қизиқарли маълумотлар олдим, — деди Муҳаммад Зоҳир шоҳ колхоз раисига мурожаат қилиб. — Суҳбатингиз учун раҳмат.

Меҳмонлар колхоз правлениесидан болалар боғчаси ва болалар яслиси биносига ўтдилар, сўнгра жамоат хўжалиги билан танишдилар. Улар сутчилик фермаси биносини узоқ вақт кўздан кечирдилар.

Автомашиналар колоннаси сутчилик фермасидан чиқиб, пахта далари ёнидан юриб борди. Меҳмонлар Бектўрган Ўрдабоев раҳбарлигидаги учинчи бригада участкасида тўхтадилар. Пахтакорларнинг таклифига мувофиқ подшо Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва ўнинг ҳамроҳлари дала шийпонига бордилар.

Меҳмонлар бир қанча вақт бевосита далада колхозчиларнинг қандай ишлаётганини кузатиб турдилар. Бу ерда «Универсал» трактори билан ғўза қатор оралари культивация қилинаётган эди.

Колхоз правлениеси колхознинг боғида Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийлари шарафига зиёфат берди.

А. Ортиқов Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳга, шунингдек Сардор Муҳаммад Наимга колхозчилар номидан ўзбекча чопон тақдим этди.

Кейинчалик Афғонистон давлатининг бошлиғи Тошкентдаги Алишер Навоий номли театрда бўлди. Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва унинг ҳамроҳлари театр залларида ва фойелари билан танишдилар.

Афғонистон Бош Министри ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Сардор Муҳаммад Наим Жаноб Олийлари Кон ишлари ва саноат министри Муҳаммад Юсуф билан биргаликда Тошкент тўқимачилик комбинатини бориб кўрди. Корхона директори З. А. Абдуллаев яқиндагина ўзининг 25 йиллигини байрам қилган бу комбинат йил сайин 200 миллион метрдан ортиқ ҳар хил газлама ишлаб чиқараётганлигини айтди.

Афғонистонлик меҳмонлар цехларни айланиб чиқиб, газлама ишлаб чиқариш процессларини тамоша қилдилар, тайёр маҳсулот намуналарини кўздан кечирдилар.

Министр Муҳаммад Юсуф комбинатда олган ўз таассуротлари тўғрисида ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Биз Тошкентда халқ учун хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган бунчалик катта комбинатни кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Комбинатни кўздан кечириш бизга катта фойда беради, чунки биз Афғонистонда тўқимачилик корхонаси қураётирмиз. Биз келгусида бизнинг савдо алоқаларимиз, жумладан газламалар соҳасида кенгайтирилади, деб умид қиламиз. Биз комбинатда ишчиларнинг мураккаб машиналарни моҳирлик билан бошқариш қобилиятини кўриб қойил қолдик. Комбинатда ишчиларнинг меҳнати учун мақтовга арзийдиган яхши шароит яратиб берилган.

(ЎзТАГ).

Суратда: Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ ва унинг ҳамроҳлари Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет театри биносини тамоша қилмоқдалар.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

Олинган мажбуриятни шараф билан бажарамиз

Тошкент область партия комитетининг пленуми

Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Қишлоқ хўжалиги соҳасида 1957 йил учун олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишининг бориши ва Тошкент область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» область партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Н. Нуриддинов** доклад қилди.

Докладчи совет халқи коммунистик партия раҳбарлиги остида КПСС ХХ съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашда эришган катта муваффақиятлар ҳақида гапиради.

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1957 йилнинг биринчи ярмида бажарилиш якунлари ҳақида яқинда эълон қилинган маълумотлар партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети халқимизни тўғри йўлдан, коммунизм йўлидан бошлаб бораётганлигидан яна бир марта далолат беради.

Маленков, Каганович, Молотовлар группасининг партияга қарши фаолиятини фош қилган КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми партиямиз, давлатимиз ҳаётида муҳим воқиа бўлди. Бутун партиямиз ва бутун совет халқи каби областимизнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари, дейди ўртоқ Нуриддинов, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини қизғин маъқулладилар ҳамда якдиллик билан қўллаб-қувватладилар, партияга қарши группанинг фракцион фаолиятини қаттиқ қоралядилар.

Шундан сўнг докладчи область меҳнаткашлари шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида эришган муваффақиятларга тўхталди. Саноат корхоналари планни ошириб бажардилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда.

Ўртоқ Нуриддинов область колхоз ва совхозлари бу йил 500 минг тонна пахта, 120 минг тонна канап ва жут пояси, 414 минг тонна сабзавот, картошка ва полиз экинлари ҳосили етиштириш ва давлатга топшириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни бир мунча кўпайтириш мажбуриятини олганликларини эслатиб сўнгра пахтачиликдаги аҳволни анализ қилишга ўтади.

25 июлгача 120 минг гектар ердаги ғўза ёппасига ҳосилга кирди. Ана шу майдондаги ғўзаларни кўпми-озми нормал ривожланаётир, дейиш мумкин. 45-50 минг гектар майдондаги ғўзалар ҳосилга анча кеч кирди, у ривожланиш жиҳатидан 10-15 кун орқада қолаётир. Таҳминан 20-25 минг гектар ердаги ғўза эндигина ёппасига гуллай бошлади ва ривожланиш жиҳатидан 20-25 кун орқада қолмоқда.

Боёвут, Мирзачўл, Чиноз, Янгийўл, Ўртасарой, Бекобод, Оққўрғон ва Сирдарё районларида ғўзаси ривожланиш жиҳатидан орқада қолган майдонлар айниқса кўпдир.

Аҳвол яна шу туфайли оғирлашмоқдаки, анчагина майдонда, айниқса Мирзачўл группасидаги районларнинг ва бошқа айрим районларнинг колхоз ва совхозларида ғўза қатор оралари жуда ҳам сийракдир. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг оммавий равишда тарқалганлиги жиддий хавф-тўғдирмоқда.

Бу йил айниқса иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларда, шунингдек «Ўзбекистон СССР беш йиллиги», 1-«Далварзин», 3-«Боёвут», Булганин номли, Бушуев номли, «Фарҳод» ва «Дружба» совхозларида ғўза ривожланиш жиҳатидан қатъий равишда орқада қолганлиги туфайли қийин аҳвол юз берди.

Каттагина майдонлардаги ғўзанинг аҳволи қониқарсизлигининг сабаби шундаки, колхоз, совхоз, МТС ва районларнинг раҳбарлари ғўзани яхши парвариш қилишни таъминлай олмадилар, тавсия этилган тадбирларни амалга оширишга совуққонлик билан қарадилар.

Ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни июль ойида тугатиш имконияти бўлганлигига қарамай, бу раҳбарлар мавжуд имкониятлардан фойдаланмадиларгина эмас, ҳатто дала ишлари сўрғатининг кескин равишда пасайиб кетишига йўл қўйдилар. Бу Бекобод, Юқори Чирчиқ, Ўртасарой ва бошқа айрим районлардаги колхоз ва совхозларга тааллуқлидир.

Умуман олганда область бўйича узунасига ва кўндаланг ига культивация қилиш, чопиқ, озиқлантириш юзасидан белгиланган пландар бажарилмади.

Ўртоқ Нуриддинов айнан бир колхоз, совхоз, бўлим, далачилик бригадасининг майдонидаги ғўзанинг ривожланишида ҳар хиллик борлиги бу йил учун характерли эканлигини таъкидлаб, ғўза ҳосил олиши учун қолган вақт ичида уни табақалаб парвариш қилиш лозимлигини уқдириб кўрсатди.

Ғўзани парвариш қилиш у ҳосил оладиган даврнинг охиригача давом эттирилсагина ҳосил тўплаш ва уни сақлаб қолишда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Сув танқис бўлганлиги сабабли бу йил суғоришда юз бераётган қийинчиликларни таъкидлаб, докладчи сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини кўрсатди. У, сув ресурсларини кўпайтириш ва сув танқислигини қоплаш юзасидан область партия комитети ҳамда область ижроия комитети томонидан белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминламаганликлари учун область суғориш системаси бошқармасини (ўртоқ Ронин) ва область Қишлоқ хўжалик бошқармасини (ўртоқ Азатьян) ҳамда бир қатор район партия комитетлари ва район ижроия комитетларини қаттиқ танқид қилди.

Вазифа шундан иборатки, дейди ўртоқ Нуриддинов, сув омборлари қурилишини яқин кунлар ичида тамомлаш ва ер ости сувларидан суғоришда тўла фойдаланиш керак.

Шундан сўнг докладчи Мирзачўл, Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе, Янгийўл ва бошқа бир қатор районлардаги кўпчилик хўжаликларда ғўзани кўндалангига культивация қилиш жуда ёмон ва оз миқдорда ўтказилаётганлигини кўрсатди.

Ҳосилни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи тадбир ҳисобланади. Бироқ ўргимчаккана ва бошқа ҳашаротларнинг оммавий равишда тарқалганига қарамай уларга қарши кураш мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун, деб уқдириб кўрсатди докладчи, колхозчиларни, совхоз ва МТСларнинг ишчиларини ҳамда барча мавжуд техникани дала ишларига максимал равишда жалб қилиш зарур.

Ваҳоланки, кейинги кунларда пахта далаларида ишлаётган кишиларнинг сони кескин равишда камайиб кетди.

Вазифа шундан иборатки, август ойида ғўза паваришига колхоз ва совхозлардаги ишга яроқли аҳолининг камида 85 процентини жалб қилиш керак. Шунингдек трактор ва от культиваторларини максимал даражада сафарбар этиш лозим.

Шундан сўнг докладчи сабзавот ва картошка етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масалага тўхталди.

Шаҳар атрофидаги районларнинг кўпчилик колхозлари ва «Бўзсув» совхози бу йил эртаги сабзаватдан юқори ҳосил олганликларини таъкидлаб, докладчи етиштирилаётган сабзавот ва картошканинг миқдорини меҳнаткашларнинг ана шу экинлар ҳосилига бўлган талабини тўла қондириши таъминлайдиган даражага етказиш юзасидан қўйилган вазифа ҳали ҳал қилинмаганлигини уқдириб кўрсатди.

Кечки сабзавот экишни тамомлаш билан бир қаторда, деди ўртоқ Нуриддинов, колхозлардаги ва район марказларидаги барча ишга яроқли аҳолини сабзавот ва картошкани парвариш қилишга жалб этиш, трактор паркининг иш унумини ошириш ва экинни кечаю-кундуз суғоришни ташкил қилиш зарур.

Луб экинлари экувчи колхозлардаги аҳволга тўхталиб, ўртоқ Нуриддинов дедики, Қўйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларининг раҳбарлари канап ва жут экинлари ривожидаги қолокликка барҳам бериш юзасидан чорлар кўрмаётирлар.

Докладчи кўк тола олиш мақсадида канап ва жут поясини қайта ишлашда қўлланиладиган машиналар ремонтини тамомлашни таъминламаганликлари учун область Қишлоқ хўжалик бошқармаси ва луб экувчи районлардаги МТСларнинг раҳбарларини танқид қилди.

Ўртоқ Нуриддинов чорвачилик масалаларига тўхталиб, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш вазифасини қўйганлигини айтди.

Ўтган 6 ой ичида область колхоз ва совхозларида гўшт ва сут етиштириш ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан кўпайди. Балинин, Қорасув, Оржоникидзе районларининг колхозлари чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун мавжуд бўлган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг миқдорини кескин равишда оширишга муваффақ бўлдилар.

Шунга қарамай область бўйича етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотининг миқдори умуман олганда ҳали жуда кам.

Мустаҳкам ем-хашак базаси чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади. Шундай бўлгани ҳолда маккажўхори ва бошқа озуқа экинларини парвариш қилиш ниҳоятда қониқарсиз бормоқда.

Шу чоққача табиий ўт ва қамишни ўриш ва ундан силос бостириш ишлари чинакамига ташкил қилинмаган, энг қулай муддат келганлигига қарамай маккажўхоридан силос бостириш иши яхши йўлга қўйиб юборилгани йўқ.

Район партия комитетлари чорвачилик масалаларини ўзларининг кундалик контроллари остига олишлари ва бу масалага катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган иш деб қарашлари лозим.

Шундан сўнг докладчи пахта йиғим-теримига тайёрлик кўриш масаласига тўхталди. Пахта йиғим теримининг биринчи кунлариданоқ зарур миқдордаги колхозчилар ва совхоз ишчиларини, шунингдек МТС ва совхозлардаги мавжуд барча пахта териш машиналарини ишга жалб қилиш зарур.

Шундан сўнг ўртоқ Нуриддинов қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртасида олиб бориладиган партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлар масаласига ўтади.

Колхоз, совхоз ва МТСларнинг бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини кейинги вақтда бирмунча яхшилаганликларини айтиб, докладчи умуман олганда областда партиявий ишнинг савияси ҳозирги юксак талабларга жавоб бермаслигини кўрсатди. Айрим район партия комитетлари бу аҳволга келишувчилик билан йўл қўймоқдалар ва бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, уларнинг колхоз, МТС ва совхозлардаги ишнинг аҳволига таъсирини кучайтириш юзасидан чоралар кўрмаётирлар.

Мисол учун, Бекобод район партия комитети кейинги ярим йил мобайнида бошланғич партия ташкилотларининг иши ҳақидаги масалани бюро мажлисида бир марта ҳам муҳокама қилмаган, уларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётир. Айниқса Мирзачўл, Оржоникидзе, Янгийўл, Ўртасарой районларида, областнинг кўпчилик совхозларида партиявий-сиёсий ишлар сусайтириб юборилган.

Область партия комитети ҳам бошланғич партия ташкилотлари ишини яхшилаш масаласи билан етарли шуғулланмаётир.

Биз, деди докладчи, шу нарсани доимо эсда тутишимиз керакки, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширмай туриб қишлоқда партиявий-сиёсий ишлар савиясини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш масаласи биринчи навбатда область, шаҳар ва район партия комитетларининг диққат марказида туриши зарур.

Идеология ишларини кескин равишда яхшилаш лозим. Вазифа шундан иборатки, омманинг кенг қатламига сиёсий таъсир ўтказиш ва оммавий-сиёсий ишлар савиясини колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлайдиган, уларнинг сиёсий онглилигини оширадиган, уларни социалистик мусобақада актив иштирок этишга сафарбар қиладиган даражага кўтариш керак.

Ўртоқ Нуриддинов коммунистларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча участкаларига тўғри тақсимлаш лозимлиги ҳақида гапиради.

Ишлар ўртасида иш олиб бориш соҳасида катта камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Агар ҳар бир раҳбар ходим камчиликларга нисбатан большевикларга хос муросасиз бўлганида, ишда зарур талабчанлик кўрсатганида, юксак давлат ва партия интизоми ўрнатишга эришганида эди, деди сўзида давом этиб ўртоқ Нуриддинов, биз бугун қишлоқ хўжалигига ва айниқса пахтачилик ҳамда чорвачиликка раҳбарлик қилишда йўл қўйган камчиликларимиз бирмунча камроқ бўлур эди.

Шундан сўнг ўртоқ Нуриддинов область партия комитети ва область ижроия комитетининг ишини анализ қилади. У, район ташкилотлари томонидан кўтарилаётган масалалар ҳали барча ҳолларда ҳам оператив равишда ҳал қилинмаётганлигини кўрсатади. Область партия комитети ва область ижроия комитети аппаратининг ходимлари жойлардаги ишнинг аҳволига чуқур аралашмайдилар ва шунинг учун ҳам уларнинг колхоз, совхоз, МТС ва районларга бориши кутилган натижани бермайди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг иш услубидаги бу камчиликларнинг ҳаммаси колхоз, совхоз ва МТСларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жиддий таъсир қилмоқда.

Ўртоқ Нуриддинов сўзининг охирида Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг колхоз, МТС ва совхозларнинг ишидаги камчиликларни аниқлашда кўрсатган катта ёрдами ҳақида гапирди.

Ўртоқ Нуриддинов область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, деб ишонч билдирди.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бошланди.

Сўз Янгийўл район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мусаевга** берилади. У, докладда Янгийўл район партия комитети ва район ижроия комитети адресига қилинган танқидни тўла эътироф этади. Районда ғўза парваришининг сусайтириб юборилганлигини яқинда бу ерда бўлган Тожикистон пахтакорлари ҳам кўрсатган эдилар.

Ўртоқ Мусаев район колхозлари бу йил ҳар гектар ердан 36,6 центнердан ҳосил олиш ва давлатга 40 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олганликларини айтди. Олинган мажбуриятни бажариш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошириш, чунончи ҳар гектар ерга қўшимча равишда 3-4 тоннадан маҳаллий ва минерал ўғит солиш, барча майдонлардаги ғўзага 1,5 марта, қолоқ участкалардаги ғўзага эса 2-2,5 марта ишлов бериш тадбирлари белгиланди.

Август ойида ғўза парваришини кучайтириш мақсадида район партия комитетининг бюроси ҳам партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан тегишли тадбирлар белгиладик. Дала шийпонларига кўп сонли агитаторлар беркитиб қўйилди.

Шундан сўнг ўртоқ Мусаев чорвачилик соҳасида олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш масаласига тўхтаб ўтади. У, жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан белгиланган план қониқарсиз бажарилаётганлигини эътироф қилди. Ем-хашак тайёрлаш жуда ёмон аҳволда. Шу кунгача 17 минг ўрнига фақат бир минг тонна силос массаси тайёрланган, холос.

Ўртоқ Мусаев йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун зарур чоралар кўрилади, деб ишонтирди.

Боёвут район партия комитетининг секретари ўртоқ **Сардоров**нинг кўрсатиб ўтишича, бир қатор колхозлар ва совхозларда бу йил юз берган қийинчиликлар бартараф қилинмаган, барча майдонларда ҳам ғўзанинг нормал ривожланишига эришилмаган. Докладда, деди ўртоқ Сардоров, районда ғўзаси сийрак бўлган анча майдон борлиги, экинга ишлов бериш, уни суғориш кечиктириб юборилаётганлиги тўғри кўрсатилди. Бунинг учун, даставвал, район раҳбарлари айблидирлар.

Ўртоқ Сардоров район партия комитети ғўза парваришига ва чорвачилик учун ем-хашак тайёрлаш ишига раҳбарлики кучайтради, олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайди, деди.

Оққўрғон район партия комитетининг секретари ўртоқ **Усмонов** ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни бартараф қилиш юзасидан район партия комитети етарли чоралар кўрмаганлигини эътироф қилди. Кўпчилик колхозларнинг раҳбарлари, деди у, июль ойи учун белгиланган графикнинг бажарилишини таъминламадилар.

Қардош Тожикистон пахтакорлари ғўза парваришидаги кўпгина камчиликларни аниқлашда бизга ёрдам бердилар. Ўзаро текшириш бригадаси ишининг якуни район пахтакорларининг йиғилишида муҳокама қилинди. Август ойида барча майдонлардаги ғўзани камида икки марта узунасига ва бир марта кўндалангига культивация қилиш, камида икки марта суғориш, далага 9 минг 500 тонна гўнг ташиб чиқариш, 9 минг 500 гектар ердаги ғўзани фосфор билан барги орқали озиқлантириш, ғўзани чеканка қилишни 5 августгача тамомлаш мўлжалланмоқда.

Трибунага қардош Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ **Каҳҳоров** чиқади.

— Қимматли ўртоқлар! — деди у, — Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика ҳукумати ва барча меҳнаткашларининг топшириғига биноан ҳамда уларнинг номидан Тошкент область партия комитети пленумининг қатнашчиларига ва улар орқали Тошкент областининг барча меҳнаткашларига қизғин қардошлик саломи топширишга ижозат бергайсиз!

Ўртоқ Каҳҳоров дедики, қишлоқ хўжалигини, даставвал пахтачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришиш учун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида давом этаётган социалистик мусобақа традицияга айланиб қолди ва у кўп миллатли улуғ ватанимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Тожик пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси областнинг 14 райони, 100 дан ортиқ колхози ва 7 совхозида бўлди. Бригада колхозчилар, совхоз ва МТС ларнинг ишчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун жуда катта меҳнат кўтаринкилиги ва сиёсий активлик билан тайёргарлик кўраётганликларини мамнуният билан қайд қилиб кўрсатади. Кўкламда обҳаво шароитининг ноқулай келганлигига қарамай область пахтакорлари чигитни ўз вақтида экиб ва уни текис ундириб олишга, ғўза туплари қалинлигининг нормал бўлишига эришганлар. Пахта далаларининг меҳнаткашлари ишлаб чиқаришга илғор агротехниканы дадил жорий қилмоқдалар. Механизаторлар чигитни квадрат-уялаб экиш ва ғўзага икки томонлама ишлов беришнинг удасидан чиқа олганлар. Ғўзани озиқлантириш ўтган йилдагига қараганда яхши ўтказилмоқда.

Сув танқислигига барҳам бериш юзасидан анчагина ишлар қилинган, насос установкаларининг ёрдами билан ер ости ва оқова сувлардан пахта далаларини суғоришда фойдаланиш кенг равишда қўлланилмоқда. Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан кўпгина ишлар қилинган, у мўл пахта ҳосили ўлкаси, фаровон ва бахтли ҳаёт ўлкасига айланмоқда.

МТСлардаги техникани колхозларга бериш тажрибаси область қишлоқ хўжалигини рационал ривожлантиришда муҳим ташкилий тадбир ҳисобланади. Биз уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов раҳбарлик қилаётган Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида бу тадбир ижобий натижалар берганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Бир қатор районларда саноат корхоналарининг қолоқ колхозлар устидан оталик қилиши яхши йўлга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси бизни янги тажрибалар билан бойитди. Аммо биз ўзаро текшириш давомида аниқланган камчиликларни ҳам очиқ-ойдин ва тўла айтиб беришимиз керак. Чунки ўртоқларча мусобақадошлик бурчи шуни талаб қилади.

Янгийўл районининг пахтакорлари ўз зиммаларига бу йил давлатга қариб 40 минг тонна пахта топшириш юзасидан юксак мажбурият олганлар. Бу юксак мажбурият, лекин у пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг усталари бўлган янгийўлликлар учун реал мажбуриятдир. Аммо бир қатор колхоз, совхоз, МТСларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва район раҳбарлари кейинги вақтларда ғўза парваришига эътиборни сусайтириб юборганлар. Бу экиннинг аҳволига сезиларли таъсир этган. Кўпчилик колхозларда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, унинг ҳосил тўплаши секинлашиб қолган. Мисол учун, «XVIII партсъезд» колхозини олайлик. Бу колхозда кўпчилик участкалардаги ғўзанинг парваришини тўхтатиб қўйилган. Пахта далаларини бегона ўтлар қоплаб олган ва ғўза унинг орасида сиқилиб ўсмай қолган. Ҳар туп ғўзада кўп деганда фақат учтадан шона бор.

Жданов номли, Сталин номли, Фрунзе номли колхозларда ҳам шу каби аҳволни кўрдик. Айниқса иккинчи Янгийўл МТСи зонасидаги Петров номли, Ворошилов номли, «Москва» колхозларидаги ғўзанинг аҳволи кишини ташвишга солади.

Ўртоқ Каҳҳоров бошқа район, колхоз ва совхозларда бўлганда олинган таассуротлар ҳақида ҳам гапириб берди. Ўзаро текшириш бригадасининг тилакларини ифодалаб, у, суғоришни тўғри уюштириш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Кўпчилик колхоз ва совхозларда суғориш жуда кечиктириб ва сифатсиз ўтказилмоқда. Ғўзалар айрим ҳолларда бостириб суғорилгани ҳолда, айрим жойлардаги ғўзаларга талаб этилган даражада сув берилмаётир ёки у сувсиз қолдирилмоқда. Кўп ҳолларда суғориш тор эгатлар орқали ўтказилмоқда. Натижада тупроқнинг нами етарли бўлмаётир ва ғўза муттасил таннаник сезмоқда. Сирдарё районидаги «XIX партсъезд», Ворошилов номли колхозларда, Чиноз районидаги айрим колхозларда ҳам ана шундай фактларни учратиш мумкин. Бу ҳолга кўпчилик колхозларнинг раҳбарлари сув етишмаганлиги сабаб бўлаётир, деб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Аммо, иш билиб ташкил қилинса, агротехникага бу каби кўпол равишда хилоф қилишнинг олдини олиш мумкин. Бизнингча колхоз ва совхозларда ғўзани кечаю-кундуз суғоришни ташкил қилиш лозим, сувчиларнинг сонини кўпайтириш, 10-15 гектарлик участкаларни бир йўла суғоришни уюштириш керак. Ғўза қатор оралари ишланмаган майдонларни суғориш ярамайди ва суғориш билан ғўзага ишлов бериш орасида узилиш бўлишига йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас. Айрим жойларда суғориш нотўғри ташкил қилинганлиги сабабли тракторлар бекор турибди. Кўпчилик колхозларда ғўза қатор орасини ишлашда от-уловдан фойдаланилмаётир. Ғўзани чеканка қилиш секин бормоқда. Ҳозир ғўзани учинчи марта озиқлантиришни тамомлаш керак эди, ваҳоланки, кўпчилик колхозлар ҳали иккинчи озиқлантиришни ҳам тамомлаганлари йўқ.

Шундан сўнг ўртоқ Каҳҳоров қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ташкил қилишдаги жиддий камчиликларни кўрсатади.

Шу кунларда, деди у, Тожикистонда Ўзбек пахтакорларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Рашидов бошчилигидаги ўзаро текшириш бригадаси иш олиб бормоқда. Улар бизга ишимиздаги камчиликларни аниқлашда ёрдам берадилар. Агар биз ўзаро аниқланган камчиликларни бартараф қилсак, бу социалистик мусобақада ўз зиммамизга олган мажбуриятларимизни муваффақиятли бажаришда ёрдам беради.

Бўстонлиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ладушкин** сўз олади. У, социалистик мажбуриятни бажариш учун олиб борилаётган курашда йўл қўйилган ва докладда ҳамда музокараларда чиқиб сўзлаган ўртоқлар томонидан кўрсатилган камчиликлар Бўстонлиқ районига ҳам тааллуқлидир, деди. Район партия ташкилоти бу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради.

Ўртоқ Ладушкин министрликлар ва область ташкилотлари олдига бир қатор талаблар қўйди. Унинг кўрсатишича, Бўстонлиқ райони Қозоғистон республикасига ўтказилаётган вақтда министрликлар ва область ташкилотлари кўпгина ваъдалар берган эдилар. Аммо уларнинг кўпи бажарилмай қолди. Жумладан, районни боғдорчиликни ривожлантириш учун керакли техника билан таъминлаш ваъда қилинган эди. Лекин қишлоқ хўжалик министрлиги ҳам, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳам бу ҳақда қайтирмадилар.

Шундан сўнг у, область партия комитети партия кадрларини тарбиялаш масаласи билан етарли шуғулланмаётганини кўрсатди. Район партия комитетларининг секретарларини, деди ноток, бир жойга йиғиб, улар ўртасида тажриба алмошиш етарли ташкил этилмаётир. Шу сабабли район партия комитетлари ҳам бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан кам иш олиб бораётганликлари тасодифий бир ҳол эмас. Район партия комитетларининг секретарларига партиявий-сиёсий ва ташкилий иш практикасини кўпроқ ўргатиш керак.

Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Сотиболдиев** август ойида талаба жавоб берарли даражада ҳосил тўплаш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

Районда сув омборлари қуриш мутлақо қониқарсиз бораётир. 30 ўрнига фақат 8 сув омбори қурилди ва унинг бештасидан фойдаланилаётир. Сув омборлари қурилиши техника билан таъминланган, лекин ундан етарли фойдаланилмаётир. Экскаваторлар кўп ҳолларда бекор турмоқда. МТСлар, совет ва партия ташкилотлари, ҳатто область қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳам сув омборлари қурилишига ҳануз етарли эътибор бермаётирлар.

Ўртоқ Сотиболдиев чорвачиликни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни ҳам кўрсатди.

Сўз Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ **Муҳамеджоновга** берилади. У, кўпчилик майдонларда, айниқса совхозларда ғўза ривожланиш жиҳатидан қатъий орқада қолганини кўрсатиб, агар район партия, совет ва хўжалик ташкилотлари августгача ойида ғўза парваришини кучайтиришни таъминласалар, юз берган аҳволни тўла ўзгартириб олиш мумкинлигини таъкидлади.

Ўртоқ Муҳамеджонов ҳосил элементларини яхши сақлаб қолиш ва кўракларнинг вазнини ошириш имконини берадиган агротехника тадбирлари масаласига алоҳида тўхталди. Суғоришни тўғри ташкил қилиш, айниқса муҳимдир. Ҳозир ғўзага орада бир эгат қолдириб суғориш ва сўнгра ҳар эгатга ишлов бериш, уни суғориш кўпроқ фойда берадиган прогрессив тадбир эканлиги қатъий белгиланди. Бу тадбир ғўза томир системасининг яхши ривожланишини, тупроқ структурасининг яхшиланишини, бинобарин ғўзанинг яхши озиқланишини таъминлайди. Ғўзани орада бир эгат қолдириб суғориш сув сарфлашни икки марта камайтириш имконини беради.

Ҳаммага маълумки, ғўзанинг нормал ривожланиши учун, ҳосил элементларининг (айниқса ғўза тупининг белидаги) сақлаб қолиниши учун экинни ўз вақтида парваришлаш қилиш зарур. Бироқ кўпгина колхозлар бу шартга амал қилмаётирлар, мавжуд ресурслардан фойдаланмаётирлар. Тошкент областида от культиваторларидан қўлланишнинг аҳамияти нима учун камситилаётир? Мавжуд 5 минг от культиваторининг фақат 1,150 таси ишлатилаётир. Ваҳоланки бу йилги шароитда от культиваторларидан фойдаланиш зарурдир. Ҳозирданоқ трактор билан ғўзани кўндалангига культивация қилишдан бош тортаётган хўжаликлар тўғри иш қилмаётирлар.

Шундан сўнг ўртоқ Муҳамеджонов ғўза парваришининг сифатини яхшилашда механизаторларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг ҳосил тақдири учун жавобгарлигини ошириш юзасидан министрлик томонидан кўрилаётган чораларга тўхталди.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг раиси ўртоқ **Шукуралиев** колхоз аъзоларининг бу йил кўкламда об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлиги туфайли юз берган қийинчиликларни бартараф қилиш юзасидан олиб борган курашлари тўғрисида сўзлади. Ғўза туплари нормал қалинликда бўлишига эришилди. Барча майдонлардаги ғўзалар беш марта культивация, уч марта кетмон чопиғи қилинди. 1500 гектар майдондаги ғўза фосфор билан барги орқали озиқлантирилмоқда. Ғўзани чеканка қилиш 5 августдан кечиктирмай тамомланади.

Колхозда чорвачиликни ривожлантириш плани муваффақиятли бажарилаётир.

Колхозимизнинг аъзолари, дейди ўртоқ Шукуралиев, ўз зиммаларига олган мажбуриятни шараф билан бажарадилар.

Биринчи Гулистон МТСининг директори ўртоқ **Погосян** ўз сўзида МТС коллективи Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун кўтаринки руҳ билан ишлаётганликлари ҳақида гапирди. Ғўза парвариши асосан ўз вақтида ўтказилди, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш қизғин давом эттирилмоқда. Ўтган йиллари август ойи яқинлашганда далада иш суръати сусайтириб юборилган эди. Бу йил эса у кучайтирилмоқда. Колхозчилар, МТС механизаторлари мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш туйғуси билан тўлиб-тошганлар.

Сўз область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Жалиловга** берилади. У, Янгийўл, Оққўрғон ва Боёвут районларининг раҳбарлари ўтган йилги сабоқлардан етарли хулосалар чиқариб олмаганликларини, улар қолоқ колхоз ва совхозлардаги ишнинг аҳволини яхшилаш учун зарур чоралар кўрмаганликларини айтиб ўтди.

Шундан сўнг ўртоқ Жалилов чорвачиликдаги ишнинг аҳволига муфассал тўхталиб ўтди. Чорва моллари сонини кўпайтириш учун кескин кураш олиб борилмаётир. Мол туёғини жойлардаги мавжуд подаларни урчитиш ҳисобига кўпайтиришга аҳамият берилмаётир.

Чўчқачиликнинг ривожланиши талабга жавоб бермайди. Гўшт етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг ўзсиз бажарилишини таъминлаш учун чорва моллари ни яйловда ва бойлаб боқиб семиртириш ишини яхшилаш, чўчқачиликни ривожлантириш керак.

Сут етиштириш кўпайтириш керак. Тўғри шу йилнинг 6 ойи ичида сут етиштириш 6,2 минг тонна, яъни 50 процент кўпайди, аммо бу ўсиш олинган мажбурият даражасидан ҳамон пастдир. Сут етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун колхозлардаги барча сигирларни бойлаб боқишга ўтказиш, уларни боқишни ва парвариш қилишни яхшилаш, фермаларда меҳнатни тўғри ташкил қилиш зарур.

Шундан сўнг ўртоқ Жалилов чорвачиликни ем-ҳашак базаси билан таъминлаш ва чорва моллари нинг яқинлашиб келаётган қишловини ташкил этиш масалаларига тўхталди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ **Комолов** сўзлади. У, Тошкент областида юқори ҳосил етиштириш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Ғўза туплари нинг зарур қалинликда бўлишига эришилган. Аммо катта майдонларда ғўза ривожланиш жиҳатидан орқада қолмоқда. Ҳосил тўплаш учун август ойида зўр бериб ишлаш керак.

Ҳозирги асосий вазифа ҳар бир ғўза тупини сақлаб қолишдан иборат. Бракка, ғўза қатор оралари ни ишлашда эътиборсизликка қарши кескин кураш олиб бориш керак. Ҳосилга катта зарар етказиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш лозим.

Шундан сўнг ўртоқ Камолов ишни ташкил қилиш масалаларига тўхталиб, колхоз, совхозларнинг, район партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг иш стилини ўзгартириш лозимлигини алоҳида қайд қилиб кўрсатди. Ишга раҳбарлик қилиш учун кабинет ва идоралардан бевосита далага чиқиш керак.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳиддинов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари Р. Е. Мельников ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилди.

* * *

Шунингдек пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўртоқ Б. В. Попов ўқишга кетганлиги муносабати билан область партия комитетининг иккинчи секретари вазифасидан ва бюро аъзолигидан озод қилинди. Ўртоқ Ш. С. Исамуҳамедов Ўзбекистон КП Тошкент район комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Область партия комитетининг иккинчи секретари қилиб ўртоқ А. С. Абдалин, область партия комитетининг секретари қилиб ўртоқ Б. Г. Мирзабеков сайландилар.

Пленум ўртоқ С. Н. Нусратовни область партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари қилиб сайлади.

Ўртоқ В. П. Горбунов Тошкент Халқ хўжали

Августнинг ҳар бир кунидан тўла ва унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни давом эттирайлик!

Гулистон ва Мирзачўл пахтакорлари нималарга эътибор беришлари керак

Гулистон районидаги «Красная заря», Ленин номли колхозлар пахта далаларида бўлганимизда сифатли парвариш қилинаётганлиги учун барқ уриб ўсиб, мўл ҳосил тўплаётган ғўзалар бизни қувонтирди. Бу ерда донгдор пахта усталари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Лолахон Эрбўтаева, Ғанишер Юнусов каби бригада бошлиқлари билан суҳбатлашиб, ўзаро тажриба алмашдик.

Лолахон бошлиқ бригада аъзолари 74 гектар ерда ғўзаларни квадрат-уялаб ўстираётган эканлар. Ҳалол меҳнатнинг самараси яққол кўзга ташланиб турипти. Ҳозирданоқ ҳар туп ғўзада 9-10 тадан кўсак бор, ғўза сифатли чеканка қилинган, энди эгатларга шарбат суви оқизиляпти.

Биз Лолахондан: «Мажбурият неча центнердан?» — деб сўрадик. У бизга қатъий: «қирқ центнердан оширамиз», — деб жавоб берди. Бизнинг энди қирқ эмас, эллик центнердан, деяверинг деб ишонч билан айтган сўзимиз, Лолахонга ҳам маъқул тушди шекилли, у ҳеч қандай иккиланмасдан туриб «сўзсиз бажарамиз» деб фикримизни қабул қилди.

Гулистон колхозларида Лолахон Эрбўтаева бошлиқ бригада сингари юқори ҳосил учун астойдил бел боғлаган бригада ва звеноларнинг оз эмас. Бу, шубҳасиз, район пахтакорларининг ютуги. Лекин колхозларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол бир хилда эмаслиги, ғўза парвариши соҳасида ҳали қатор камчиликлар ўз бераётганлиги, ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш йўлида етарли иш олиб борилмаётганлиқидан афсусландик.

Райондаги кўпчилик колхозда, айниқса, сувдан фойдаланиш ёмон аҳволда. Бу — сув танқислигидан эмас, албатта. Ҳамма гап сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга етарли эътибор берилмаётганлигида. Колхозларнинг раҳбарлари бригадаларни тажрибали сувчилар билан тўла таъминламаганлар, кечаси сугориш яхши йўлга қўйилмаган.

Биз районнинг Фрунзе номли, К. Маркс номли, Свердлов номли, Калинин номли қатор колхозлари пахта далаларида бўлганимизда ана шу аҳволни кўриб ачиндик.

К. Маркс номли колхознинг ўртоқ Носиров бошлиқ бригадасида 15-20 гектарга яқин ерлари ғўза чанқатиб қўйилганлиги сабабли шона ва гулларини тўкаяпти, жавобгарликни ҳис қилмаган сувчи эса далани ўз ҳолига ташлаб қўйган, натижада бутун карталаги ғўза сув остида қолиб кетган. Худди ана шундай аҳволни Калинин номли колхознинг Умаров, Турсунматов, «Красный Восток» колхозининг Исақулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам учратдик.

Ғўза парваришининг ҳал қилувчи шу кунларида сугоришни тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Колхозларнинг раҳбарлари ана шунга яхши тушунганлари ҳолда бу соҳада зарур тадбирларни амалга оширишлари керак.

Район раҳбарлари ўртоқ Тоғаев раислик қилаётган Фрунзе номли колхозда «бу йил аҳвол анча яхши, ғўзанинг ривожи дуруст, ҳосили мўл» деб айтган эдилар. Ўртоқ Тоғаевнинг ўзи ҳам ана шуни эътироф қилган эди. Колхознинг пахта далаларини айланганимизда эса бутунлай бошқача аҳволни кўрдик.

Ўртоқ Усаров бошлиқ бригадада «раис айтганидай 0,20 гектар» эмас, роса 20 гектар ердаги ғўзани ўт босиб кетган. Ана шу йирик карта вақтида культивация қилинмаганлиги сабабли эгатлар оқариб қотиб ётипти, ғўзанинг ривожи паст, бутунлай қаровсиз қолдирилганлиги сабабли тўплаган ҳосилини ҳам йўқотаяпти.

Маълум бўлишича, колхозга 11-та «универсал» биркитилган экан, биз борган кунимиз ана шу «универсал»лардан фақат 6 таси ишлапти, қолганлари турли баҳоналар билан дала четига чиқариб қўйилипти.

Биз ўзаро текширишнинг сўнгги кунларида Мирзачўл район колхозлари далаларида бўлдик. Тўғри, районнинг «Октябрь» колхозидаги Султонов, «Қизил юлдуз» колхозининг Юсупов, Ленин номли колхозининг Шокиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётган ғўзалар олинган юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпламоқда.

Бироқ район бўйича, умумий аҳвол билан танишганимизда ғўза парвариши соҳасида мирзачўлликлар ўз мусобақадошларидан анча орқада қолаётганликлари, улар ўз шуҳратларига яраша иш қилмаётганликлари равшан бўлди.

Аввало шуни айтиш керакки, районнинг ҳамма колхозларида ҳам ғўза туплари нормал қалиниклда эмас, ҳаддан ташқари сийрак.

Охунбобоев номли колхознинг (правление раиси А. Исматов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Э. Хушназаров ўртоқлар) Расулев, Н. Шомиров, Сулаймонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида 40 процентгача кўчат йўқ. Шверник номли, «Коммуна», «Коммунизм» колхозларида, «Октябрь», Сталин номли колхозларнинг кўпчилик бригадаларида ҳам аҳвол худди шундай.

Районда илғор ва юқори ҳосилли ҳисобланган Сталин номли колхозда ҳали ёш ғўзалар ўнлаб гектарни ташкил этади. Бу ғўзаларни қўшимча озиқлантириб, дуруст ғўзаларга етказиб олиш учун курашилмаётир. Биз колхознинг ўртоқ М. Мирзақулов бошлиқ бригадасида 30 гектар ердаги ғўзанинг чопиқ қилмасдан туриб сугорилаётганлигини кўриб ачиндик. Лекин колхоз раиси ўртоқ Р. Муҳамедов ҳам, бригада бошлиғи ўртоқ Мирзақулов ҳам бу камчиликни тан олиш ўрнига, турли баҳоналар ахтаришга уриндилар.

Хўш, сув-ку қўйилипти, энди уни кузатиб туриш қандай аҳволда? Э. Ҳакимов, И. Синдаров каби сувчилар ўзлари ўрнига кетмонларини қоровул қилиб, уйларига жўнаб қолишибди, сув эса истаган томонига оқиб, пушталарни эзиб юборяпти. Раис билан бригадир бунисига қандай баҳона топар эканлар?!

Шверник номли колхоз районда анча камқувват ҳисобланар экан, район ва МТС раҳбарлари ҳам бу камқувват колхозга камдан-кам келар эканлар.

Биз колхознинг ўртоқ С. Жонқулов бошлиқ бригадасида бўлганимизда қизиқ воқиага дуч келдик. Механизаторлардан ўртоқ Й. Боймирзаев нима қиларини билмай, таажжуб бўлиб ўтирипти, негаки «универсал»нинг қаеридир бузилибди. Механик бозорга кетганлиги, даламчилиқ бригадири кечадан бери дараксиз эканлиги сабабли энди у бу ҳақда қимга мурожаат қилишни билмайди.

Колхозда меҳнат интизоми шу даража бўшашиб кетганлиги учун ҳам 20-30 процентга яқин ердаги ғўза ўз вақтида парвариш қилинмаган, ҳосил олиши суст.

Район колхозларида ғўза зараркунандаларига қарши етарли кураш олиб борилмаяпти. Сталин номли, Охунбобоев номли, «Коммуна» каби қатор колхозларда ўргимчаккана ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳосилга жиддий зарар келтирмоқда.

Биз ҳар иккала районнинг қатор колхозларида оммавий-сиёсий ишларнинг қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрдик. Дала шийпонлари жиҳозланмаган, яслилар ташкил қилинмаган, иссиқ овқат уюштирилмаган.

Ҳар иккала район пахтакорларининг шу кунлардаги энг муҳим вазифалари, даставвал, сугоришни тўғри ташкил қилишдан, озиқлантириш, чопиқ ва культивацияни сифатли ўтказиш, шарбат суви бериш йўли билан ривожи паст ғўзаларни бўлиқ ғўзаларга етказиб олишдан, ҳашаротларга қарши кескин кураш, ҳосилни тўла сақлаб қолишни таъминлашдан, ғўзаларни сифатли чеканка қилишни шароитга қараб ўз вақтида ўтказишдан иборат. Ана шундагина ҳар иккала район пахтакорлари ҳам ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини қоплайдиган даражада ҳосил тўплашга эришадилар.

Биз ишонамизки, Гулистон ва Мирзачўл район пахтакорлари бунинг уддасидан бемалол чиқалилар.

И. МАТЕКИН,
Тожикистон ССР Министрлар Совети қишлоқ-хўжалик бўлимининг ходими.

А. МИРЗАЕВ,
Регар районидаги Киров номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

А. НЕКУШОЕВ,
Сталинобод район, Кўктош МТСининг бош агрономи.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Гулга гул, кўсакка кўсак қўшилмоқда

Мирзачўл районидаги «8 Март» колхозининг ўртоқ Т. Мирзааҳмедов бошлиқ бригадасида ғўза парвариши кундан-кунга авж олдирилмоқда.

Механизатор ўртоқ Э. Ҳатамов юқори унум билан ишлаётир. У шу кунга қадар 750 гектардан ортиқ ердаги ғўзани культивациядан чиқарди. Ўртоқ Э. Ҳатамов, ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, кунига 12-13 гектар ғўзани озиқлантираётир. Шунингдек, универсалчи М. Абдужалилов ҳам ғўзани сифатли парвариш қилаётир.

Бригадада ғўзани сугоришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу муҳим ишга тажрибакор пахтакорлар ажратилган. Р. Аминжонов, Н. Мамажонов, Н. Орипов ўртоқлар ана шулар жумласидандир. Уста пахтакорлар, моҳир механизаторлар парвариш қилаётган 100 гектар ердаги ғўза луркун ўсиб, шонасига-шона, гулига-гул қўшилмоқда, шохларидаги кўсакларнинг сони ортиб бораётир.

Бригада аъзолари гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини Улуг Октябрь байрамигача бажариш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Ғўза парвариши колхозларида А. Исроилова, П. Очилов ва Н. Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам намунали уюштирилган.

М. АБДУРАИМОВ.

Мусобақадош бригадаларда

Гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг 7-бригада аъзолари ғўза парваришини Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори асосида ташкил этиб, ишни тобора кучайтирмоқдалар. Бригаданинг ғўзалари иккинчи марта чопиқ қилиниб, уч марта сугорилди ва учинчи марта культивациядан чиқарилди. Бу ишларнинг сифатли бажарилишида 2-МТС илғор механизаторларининг хизмати катта бўлаётир.

Механизаторлар колхозчилар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб, кундалик топшириқни ортиғи билан адо этмоқдалар. Бригада аъзоларининг ҳалол меҳнати яхши натижалар бермоқда. Асосий майдонлардаги ғўзаларда 3-4 тадан кўсак бор. Бу бригада билан мусобақадош 4-бригада аъзолари ҳам ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Улар 72 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозир бригаданинг 50 гектар ердаги ғўзаси кўплаб кўсаклаяпти. Илғор чопиқчилардан Ўктам Тошпўлатова, Каромат Қаҳҳорова, Моҳира Маҳкамова каби ўртоқлар иш нормаларини ошириб бажаришяпти.

О. ДЕҲҚОНБОЕВ.

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари ўзаро мусобақалашиб ғўзани август ойида ҳам юқори сифатли парвариш қилиш учун курашмоқдалар. Ғўза чопиғида ишлаётган ўнлаб қиз-йигитлар ишни сифатли бажараётирлар. 2-бригаданинг аъзоси Насиба Худойберганова кундалик топшириқни доим ошириб адо этаётир. Суратда: ўртоқ Н. Худойберганова ғўза чопиғида. Ж. Ваҳобов фотоси.

Мусобақадош дўстларнинг маслаҳатлари тез амалга оширилсин

ЧИНОЗ, (ЎзТАГ). Райондаги колхозлар бу йил ўз олдиларига ерларнинг унумдорлигини кескин суратда оширишдан иборат вазифани қўйдилар. Пахтакорлар ана шу вазифани амалга ошириш учун қурашда дастлабки даврда баъзи ижобий натижаларга эришдилар.

Бироқ, район қишлоқ хўжалик артеллари кейинги кунларда дала ишлари суръатини сусайтириб ва сифатини пасайтириб юбордилар. Район хўжаликларида бўлган Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари ана шуларни кўрсатиб бердилар. Улар юқори зона деб аталадиган зонада айниқса кўпгина жиддий нуқсонлар борлигини аниқладилар. Бу ерда шундай вазият рўй берганки, агар амалий ва кескин чоралар кўрилмаса, ҳосилнинг бир қисми йўқотилади. Тожикистондан келган меҳмонлар ўртоқ Нарзуллаев раис бўлган Шверник номли қишлоқ хўжалик артелида рўй берган аҳволдан гоят даражада ташвишландилар. Далада ғўзаси сийрак жойлар жуда кўп. Ғўзалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, уларни бегона ўтлар босиб кетган. Сугориш ўз вақтида ўтказилмайди ва қатор ораларини ишлаш билан кўшиб олиб борилмайди. Улов кучидан ёмон фойдаланилади.

Свердлов номли колхозда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу қишлоқ хўжалик артелининг раиси ўртоқ Исомбеков ҳамма камчиликларга сабаб қилиб турли объектив масалаларни ва даставвал сувнинг етишмаслигини вож қилиб кўрсатади. Райондаги хўжаликлардан бир қисмида сувнинг етишмаётганлиги тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

Чиноз МТСи ва унинг директори ўртоқ Киселев колхозларга яхши ёрдам бермаётир. Чопиқ тракторлари жуда ёмон ишламоқда. Колхозчиларнинг, жумладан «XIX партсъезд» колхозида агрегатларнинг юксак унум билан ишлаши таъминланмаётганлиги учун колхозчилар ўртоқ Киселевга кўп норозилик билдираётирлар.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари район раҳбарларининг ҳам қишлоқ хўжалик артелларига суст ёрдам бераётганликларини кўрсатиб ўтдилар, улар илғор тажрибани ёйиш тўғрисида гамхўрлик қилмаётирлар.

Тожикистонлик пахтакорларнинг фикрича, Чиноз районининг колхозлари ўз социалистик мажбуриятларини бажармоқ учун август ойида астойдил кураш олиб боришлари, ҳарбир туп ғўзада кўплаб кўсак бўлишига эришишлари лозим. Меҳмонлар текшириш якунларини муҳокама қилишга бағишланган кенгашда ўзларининг ана шу истакларини билдирдилар.

Граждан ҳаво флоти хизматидан яхши фойдаланилмоқда

Ўрта Чирчиқ районининг колхозларида ғўзани барги орқали фосфор билан озиқлантириш оммавий тус олди. МТСлар ва колхозлар граждан ҳаво флоти самолётларининг унумли ишлаши учун барча шароитни яратиб берганлар. 2-МТС зонасидаги колхозларда хизмат қилаётган учувчи ўртоқ С. Плугатиров ғўзаларни барги орқали озиқлантиришда айниқса яхши натижаларга эришаётир. У қисқа вақт ичида Куйбишев номли, Калинин номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Андреев номли колхозларнинг 2500 гектар ердаги ғўзасига фосфор сепиб берди.

1-МТС зонасидаги колхозларда хизмат қилаётган учувчи ўртоқ И. Ф. Драченко ҳам бу соҳада ўртоқ Плугатировдан қолишмаётир. Тўғри, ишни «Ленин йўли» колхозидан бошлаган ўртоқ Драченко дастлабки кунларда бир қанча қийинчиликларга дуч келди: колхозда ўғит қориштирадиган ҳовуз тайёр эмаслиги устига, ўғитларни ташиб етказиб бериш учун етарли куч ажратилмаган эди. МТС директори Пак Сан-ер ва учувчи Драченко ўртоқларнинг қаттиқ талабларидан сўнг камчилик тезда тугатилди, иш юришиб кетди. Икки кун давомида колхознинг 946 гектар ердаги ғўзаси барги орқали озиқлантирилди.

Ўртоқ Драченко Максим Горький номли колхозда ҳам унумли меҳнат қилиб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

1-МТС раҳбарлари колхозларда ғўзани барги орқали озиқлантиришни тез ва сифатли ўтказиш учун бир қанча амалий тадбирларни белгилашди. Масалан, ўтган йили Ўрта бўзадаги майдончадан бошқа самолёт учиб қўнадиган ер йўқ эди. Бу йил эса «Ҳақиқат» колхозининг 10-бригадасига тегишли жойда самолёт қўнадиган майдонча вужудга келтирилди. Юқорида кўрсатилган майдончаларнинг ҳар бирида 2 тадан 70 кубометрли цементланган ҳовуз бор ва «Андижанец» насослари ишлаб турибди.

МТС ўғитлаш сифатини, сигналчилар ишини ҳамда колхознинг самолётларга ўғит етказиб беришини назорат қилиб туриш учун махсус автомашина ҳамда агроном ажратди. Бу тадбир ғўзани барги орқали озиқлантиришда граждан ҳаво флоти ёрдамидан тўла фойдаланиш имкониятини бераётир.

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Корхонанинг санитария шароитини яхшилайлик

Социалистик ишлаб чиқаришни ташкил қилишда корхоналарнинг санитария шароити масаласи хўжалик раҳбарларининг назар-эътиборида туради.

Олтинчи беш йилликда СССР саноатига янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини электрлаштириш ҳамда комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, шулар асосида меҳнат унумдорлигини бир неча баравар оширишни кўзда тутувчи катта программа амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ошиши билан бирга, меҳнат шароитлари ҳам, корхоналарнинг санитария аҳволи ҳам яхшиланади.

Капиталистик ишлаб чиқаришда биз бутунлай қарама-қарши ҳолатни кўрамиз. Капиталистик мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг ошиши корхона санитария шароитининг ёмонлашишига олиб келади: ишчилар орасида касаллик кўпаяди, травматизмга йўлиқиш, инвалид бўлиш авж олади. Масалан, Франциядаги «Рено» фирмасининг заводларида нерв-руҳий касалликка мубтало бўлганлар сони 1952 ва 1953 йиллар мобайнида 290 кишидан 421 кишига ортган. 1947 йилдан 1954 йилгача бутун мамлакат бўйича саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларга йўлиқиш 22 процент кўпайган. Бундай фактларни бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам учратиш мумкин.

Бизнинг корхоналаримизда меҳнат унумдорлигининг ошиши меҳнатнинг санитария аҳволини яхшилаш, совет кишиларининг соғлигини мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнатнинг санитария шароитига, яъни ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг соғлигига озми-кўпми таъсир кўрсатадиган факторларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш факторлари, яъни бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлувчи факторлар (майиб бўлиш, заҳарланиш).

2. Ишчининг организмига узоқ муддат давомида таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш факторлари: меҳнат процессининг характери, иш жойининг қай даражада ёритилганлиги, нафас олинадиган ҳавонинг состави, метеорологик шароит, ҳар хил характердаги нурланиш, шовқин-сурон, зириллаш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш — санитария факторининг биринчи группасида травматизмнинг сабаблари масаласи муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Аммо айрим хўжалик раҳбарлари травматизмнинг сабабларини ўрганишга етарли эътибор бермайдилар. Улар, ҳатто меҳнатни муҳофаза қилувчи ходимлар ва ишчилар ҳам, ишлаб чиқариш травматизми бу табиий ҳолдир, уни йўқотиш тўғрисида эмас, балки камайтириш тўғрисида гап бўлиши мумкин, дейдилар. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олиш ва уни йўқ қилиш мумкин. Бунинг учун травматизмнинг моддий ва ташкилий сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда зарур тадбирларни амалга ошириш лозим.

Маълумки, машинасозлик заводларида пресснчи, формаловчи, наладчилик қирқувчилик, юк ташувчилик ва шунга ўхшаш касбларда ишловчи кишилар травматизмга кўпроқ йўлиқадилар. Ана шу нарса ҳам маълумки, бутун ишлаб чиқариш травматизмининг 25-30 процента станоклар конструкциясидаги дефектлар, уларда ихотанинг йўқлиги, ишлаш жойининг тоза бўлмаслиги ва иш жойига келадиган йўлларда ҳар хил темир-терсак, яшик ва бошқа предметларнинг тиқилиб ётиши туфайли; 30-35 процента технология процесси ва кўтариш-транспорт воситаларидан нотўғри фойдаланиш сабабли; 35-40 процента эса кўзойнак, респираторлар, махсус кийимлар каби индивидуал муҳофаза воситаларидан фойдаланмаслик, ишлаш чиқиб қолган инструмент ва мосламаларни қўлланиш, техника хавфсизлиги бўйича инструктаж ёмон ташкил қилиниши ва техника назоратининг йўқлиги туфайли рўй беради.

Травматизм ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун зарур тадбирларни изчиллик билан оғишмай амалга ошириб бориш зарур. Масалан, формачилик касбида ишловчи кишини травматизмдан асраш учун қуйидаги тадбирларни кўриш лозим: станоклар, металл қуйиладиган қолиплар, моделлар ўстидаги плиталар, йигма столлар ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда санитария-техника ускуналари ўз вақтида текширилиши ва ҳар сменада тартибга солиниб туриши керак. Хуллас, ҳамма иш жойларида кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, улардан сақланиш, мамурий-ташкилий тадбирларни қатъий равишда амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига сўзсиз амал қилиш керак.

Ишчининг соғлиги, ишга қобиллиятлилиги ва унумли меҳнат қила олиши фақатгина травматизмга боғлиқ бўлиб қолмай, балки организмга узоқ муддатда таъсир кўрсатувчи факторларга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам корхона хўжалик раҳбарлари зиммасига травматизм сабабларига қарши кураш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, иш жойининг умумий ишлаб чиқариш-санитария аҳволини ҳам яхшилаш вазифаси юклатилади. Масалан, корхона биноларидаги ҳаво составида чанг, организмга салбий таъсир этувчи газ бўлиши; бино ёмон ёритилган, шовқин-сурон, кўзга зарар қиладиган нурланиш бўлиши мумкин. Бу ва бошқа факторлар ишчи организмига салбий таъсир кўрсатади, ишчининг меҳнат қобилиятини ва меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Сўнгги пайтларда тошкўмир иси тарқалган ҳаводан узоқ муддат давомли нафас олишнинг юрак мускулларига зарар етказиши; айрим мўмсимон моддалар ва ёнилги маҳсулотларининг рак касали келиб чиқишига сабаб бўлиши аниқланган. Ана шу фактнинг ўзи корхонанинг ишлаб чиқариш-санитария шароитини яхшилаш кишилар соғлиги учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда ишчи ва хизматчиларнинг касал бўлиб, вақтинча меҳнат қобилиятларини йўқотишлари туфайли бир йилда бир неча миллион иш куни йўқотилади.

Ишчиларнинг дам олишларини тўғри ташкил қилиш ҳам муҳим ишлаб чиқариш-санитария аҳамиятига эгадир. Аммо шуни айтиш керакки, Тошкентдаги машинасозлик заводларининг бирортасида ҳам тушки овқат вақтидагидан ташқари пайтларда ишчиларнинг дам олишларини уюштириш тўғрисида гамхўрлик қилинмаётир. Бу корхоналарда шундай касблар ҳам борки, унда ишловчи кишиларнинг меҳнат процесси узлуксиз ва жадалдир. Формалаш, электр пайвандлаш, айрим станоклар билан бажариладиган операциялар шулар жумласидандир. Бундай касбларда ишловчи кишилар учун овқат вақтидан ташқари пайтларда ҳам дам олишни уюштириш соғлиқ учун катта аҳамиятга эгадир. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бизда сезиларли даражада ишлаб чиқариш-санитария эффекти берадиган ишлаб чиқариш гимнастикасидан деярлик фойдаланилмайди.

СССР санитария қонунчилиги бўйича корхонани санитария-техника жиҳатидан ускуналаш ҳар қандай проектлаш ва қурилиш ишларининг таркибий қисми бўлиши керак. Бироқ, совет қонунчилигининг социалистик санитария маданияти талабларига кўпинча тўла риоя қилинмайди. Тошкентдаги экскаватор заводида янги қуюв цехи санитария-техника жиҳатидан ускуналанмасдан ишга туширилди. Бу эса меҳнатнинг санитария шароитини ёмонлаштирди, цехни санитария жиҳатидан кейинчалик жиҳозлаш эса анча мураккаб бўлди ва қимматга тушди. 1-авторемонт заводи ва каноп фабрикасида ҳам худди шундай номувофиқлик рўй берган эди.

Бизда ҳали айрим ишлаб чиқариш участкаларини ва баъзан бутун цехларни қайта ускуналаш ҳамда реконструкция қилишда мазкур ишлаб чиқариш участкаларини санитария-техника жиҳатидан ҳам биратўла ускуналаб кетиш масаласига корхона раҳбарлари совуққонлик билан қарамоқдалар. Масалан, шаҳардаги машинасозлик заводларида деталларни қобиқ қолипга қуйиш жорий қилинди. Бу янги технология, шубҳасиз, ишлаб чиқаришда иқтисодий жиҳатдан кўпгина қулайликларни туғдирди. Аммо ана шу прогрессив технологияни жорий қилиш вақтида санитария-техника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмади. Бу масала ҳозир ҳам узил-кесил ҳал этилмаган. Саноат корхоналари ишлаб чиқаришга прогрессив технология ва янги техникани жорий қилиш билан бирга, санитария техникаси соҳасида эришилган ютуқларни ҳам ишлаб чиқаришга дарҳол татбиқ қилиш керак. Ана шундагина прогрессив технология ҳам, янги техника ҳам кутилган натижани беради, ишчиларнинг соғлиги ва меҳнат унумдорлигига ҳам зарар етмайди. Кўриниб турибдики, санитария қонунчилигини бузиш ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг соғлиғигагина салбий таъсир кўрсатиб қолмай, балки ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиб кетишига ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам саноат қурилишида ва ишлаб чиқариш экономикасини ташкил қилишда корхонани комплекс санитария-техника ускуналари билан жиҳозлашдек муҳим масалани доим эътиборда тутиш зарур.

Корхоналарни санитария-техника жиҳатидан жиҳозлашни проектлаш ишларида ҳам ҳали катта камчиликлар бор. Ана шу камчиликлар туфайли санитария техникасидан тўла фойдаланилмаётир. Жойларда биноларнинг проектларини тузишда формализмга йўл қўйиш ва проектнинг етарли даражада мукаммал бўлмаслиги туфайли қурилган санитария-техника установкаларидан тўла фойдаланмаслик ёки бутунлай фойдаланмаслик ҳолларини ҳам учратиш мумкин. Проектларда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги туфайли деярлик ҳамма машинасозлик заводларида вентиляция установкаларидан рационал фойдаланилмаётир. Бунинг устига мазкур установкаларни эксплуатация қилиш тартибга солинмаган, жорий ремонтларни ўз вақтида ўтказиб туришга ҳам эътибор берилмайди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни тугатиш санитария-техника ускуналаридан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Бунинг учун корхоналарга мўжжалланган биноларни проектлаш, қуриш ва санитария-техника ускуналаридан максимал даражада фойдаланишда давлат санитария қонунчилигига қатъий риоя қилиш керак.

Шаҳар корхоналарининг хўжалик ва техника раҳбарлари санитария қонунчилиги талабларининг тўла бажарилиши, ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ишларини доим назорат қилиб туришлари зарур. Бу нарса КПСС XX съезди томонидан меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида қўйилган катта вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун илғор корхоналарнинг санитария соҳасида эришган муваффақиятларини бошқа корхоналарга кенг ёйиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва енгиллаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни рационализация қилиш, санитария-техника пропагандасини кучайтириш ва корхонадаги ишчилар, инженер-техник ходимларни меҳнатнинг санитария шароитини яхшилашга актив қатнаштириш, корхона санитария шароитини яхшилашда ҳар қандай новаторлик, ихтиёрочилик ҳаракатларини қизғин қўллаб-қувватлаш каби ташкилий тадбирларни дарҳол амалга ошириш лозим.

С. ДИХТЯР,
медицина фанлари доктори, профессор.

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ VI ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ

МОСКВА. Суратда: Гана давлатининг вакили — студент Пауль Томас ва Узбекистон вакили Каромат Нуриддинова бир-бирига совға тортиқ қилмоқдалар.

МОСКВА. Суратда: Ленин номидаги стадион трибунаси.

МОСКВА. Суратда: Ленин номидаги стадион трибунаси.

МОСКВА. Суратда: Узбекистон ССР вакиллари Ленин номидаги стадионда фестиваль намойишида.

Олтинчи Жаҳон фестивали ўтказилаётган Москва шаҳри шод-хуррам. Москванинг дунёдаги қарийб барча мамлакатларнинг байроқлари билан безатилган кўчалари ва майдонларида москваликлар ва уларнинг меҳмонлари — Совет мамлакатининг ҳамма қисмидан ва дунёдаги барча қитъаларидан келган йигит ва қизлар эрталабдан тортиб иккинчи куни саҳаргача ўйин-тамоша қилмоқдалар. Ҳамма ерда кўп тилларда айтилган сўзлар эшитилмоқда, дўстлик сўзлари жаранглямоқда, бутун ер юзи халқлари қўшиқларининг мелодиялари янграмоқда.

Ёшларнинг дўстлигини мустаҳкамлайдиган жуда кўп хилма-хил тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугун фестивалнинг тўртинчи куни бўлса ҳам, фестивалда 30 июль кечқурун нималар бўлганлигини айтиб бериш имкониятига эга эмасмиз.

Турли делегациялар аъзоларининг кечаги учрашувлари айниқса мароқли ва шодиёна ўтди. Буюк Британия ва Болгария делегацияларининг учрашуви узоқ давом этди. Бу учрашувда 300 га яқин киши қатнашди.

Буюк Британия коммунистик ёшлар иттифоқи секретари Жон Мос бундай деди:

— Биз болгарлар билан учрашувимиздан бахтиёрмиз. Биз фестивалда уларни янада яхшироқ билиб олдик.

Даставвал дўстона суҳбатлар бошланиб кетди, шундан кейин эса учрашув қатнашчилари Болгария қизлари хори ва инглиз духовой оркестри иштироки билан концерт бердилар.

Бутун Иттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида Индонезия ва Хитой делегатларининг учрашуви икки соатдан ортиқ давом этди. Суматра, Ява, Борнео, Целебес ороллaридан, Пекин ва Шанхайдан келган йигит ва қизлар бу ерга тўпландилар. Ўзаро қизғин табриклардан кейин самимий дўстона гаплар бошланиб кетди, ёшлар бир-бирлари билан танишдилар. Бу учрашув икки қардош халқ — Индонезия ва Хитой халқлари ёшлари дўстлиги ва бирлигининг ёрқин намойишига айланди.

Венгрия ёшлари Германиянинг ҳар икки қисмидан келган йигит ва қизларни учрашувга таклиф этдилар. Ёш дўстларнинг эркин суҳбати бир неча соат давом этди. Шундан кейин ёшлар қўшиқ айтишиб, ўйинга тушдилар. Бу учрашув венгер ва немис тилларида демократик ёшлар гимнини ижро этиш билан тугалланди.

Касбдош ёшларнинг биринчи халқаро учрашувлари жуда қизғин ўтди. Венгриялик ва пойафзалчи Янош Роднай кўнчилик ва пойафзал саноати ёш ишчиларининг учрашувини бошлаб берди. У айтдики, ана шу учрашув, ана шу фикр олишув бир-бирларимиз билан яқиндан танишувимизга имкон беради, барча мамлакатлардаги ёш ишчилар ўртасида дўстликни мустаҳкамлайди.

Учрашув қатнашчилари кейинги кунларда Москвадаги пойафзал саноати корхоналарига борадилар ва бу корхонларда ишлаб чиқариш техникаси билан, ёшларнинг меҳнат, турмуш шароити ва дам олиши билан танишадилар.

— Азиз дўстлар! Порлоқ истиқболимиз учун бизга тинчлик, дўстлик ва бирдамлик ҳаво каби зарурдир.

Ўзларининг профессионал учрашувлари учун Марказий журналистлар уйига 12 мамлакатдан келган ёш полиграфчилар Москвадаги полиграфия институтининг аспиранти Юрий Будилиннинг бу сўзларига гулдурос овация билан жавоб қайтардилар.

Дания делегати Гуннер Мельхольм учрашув қатнашчиларининг умумий туйғулари ва фикрларини жуда яхши ифода этди.

— Бизлар турли мамлакатларда яшамоқдамиз, — деди у, — аммо тинчлик йўлидаги курашда ҳаммамиз биргамиз.

Бутун Иттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг жуда катта конференц-зали 30 мамлакатдан келган деҳқон ёшлари билан тўлди. Улар Москва областидаги Ленин номли колхоз раисининг ўринбосари В. Ионкиннинг нутқини зўр иштиёқ билан тингладилар. В. Ионкин Совет Иттифоқидаги колхоз тузумининг моҳияти тўғрисида сўзлаб берди, колхоз тузумининг афзалликларини шу хўжалик мисолида яққол кўрсатди.

Италия фермерлари федерацияси миллий комитетининг аъзоси Грасио Кремонони ўз мамлакатида феодализмнинг сарқитлари борлиги ҳақида газаб билан гапирди. Италияда неча юз минг гектарлаб ерлар йирик ер эгаларининг қўлидадир. Неча минглаб чўракорларнинг оилалари ерни ишлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун олинган ҳосилнинг ярмини ер эгасига топширишлари керак.

Карло де ла Мора Гарсиа Мексикада ерни ижарага олувчилар ва батракнинг оғир қисмати тўғрисида сўзлади.

Учрашув қатнашчилари қишлоқ хўжалик виставкасининг павильонларини қараб чиқиш вақтида ўз дискуссиялари ва суҳбатларини давом эттирдилар.

Руминия Халқ Республикаси ва Люксембург ёшларининг вакиллари Москвадаги электр лампа заводининг ёш ишчиларида меҳмон бўлдилар. Германия Демократик Республикасидан фестивалга делегат бўлиб келган ёшлар Москвадаги Лихачев номли автомобиль заводида бўлдилар.

— Ҳозирги замон ёшларининг ҳаётий вазифалари тўғрисида қандай фикрдасиз? 30 июльда халқаро студентлар клубида 30 мамлакатдан келган ёзувчилар фестиваль қатнашчиларига берилган ана шу саволга зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан шундай жавоб қайтардилар: «Ҳаётдан кузатилган мақсад — тинчлик учун, инсоният бахти учун курашдан иборат».

Беш қитъа халқларининг вакиллари, турли авлодларга мансуб кишилар шу тўғрида гапирдилар. Студентларнинг ёзувчилар билан учрашуви форумни эслатар эди. Бу ерда ҳар ким ўз фикрини айтди.

Москва давлат университетининг акт залида халқаро концерт ғоят муваффақиятли ўтди. Бу концертда Киров областидаги «Димковская игрушка» совет ҳаваскор рақс коллективи, Гвиана ва Мартиника ёшлар ансамбли, Мисрнинг хотин-қизлар чолғу асбоблари ансамбли, Қора Африкадан келган раққослар, Руминия Халқ Республикасининг бадиий коллективлари қатнашдилар.

30 июльда тасвирий ва амалий санъат халқаро виставкаси очилганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу виставка М. Горький номидаги маданият ва истироҳат Марказий паркида учта катта павильонни эгаллайди. Дунёдаги қирқ мамлакат ёш санъаткорлар яратган суратларни, скульптураларни, расмларни, амалий санъат буюмларини Москвага юборди. Бу ерда 3.400 та асар кўрсатилмоқда. Илгари ўтказилган фестивалларнинг бирортасида ҳам тасвирий санъат виставкалари шунчалик кенг ҳажмда уюштирилмаган эди.

Кеча студентларнинг биринчи халқаро семинарлари бошланди. 500 дан ортиқ экономист студентлар Москва давлат университетининг энг катта аудиторияларидан бирига тўпланди. Фанлар академиясининг вице-президенти К. Островитянов семинар қатнашчиларини самимий табриклади. Шундан кейин «Иқтисодий ҳамкорлик ва унинг турли мамлакатлар халқ хўжалигини ривожлантиришдаги роли» деган темада дискуссия бошланди.

Бутуниттифоқ давлат кинематография институти бинодасида ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг колхоз маданият уйи биносида ҳам кинематография ва қишлоқ хўжалик ўқув юртлари студентларининг халқаро семинарлари бошланди. Театрларда, клубларда ва парклар ҳамда майдонларнинг очиқ эстрадаларида 30 июль кечқурун ўттиздан ортиқ делегация миллий концерт қўйиб берди. Ана шу делегацияларнинг кўплари халқаро концертларда қатнашдилар.

Ўша куни кечқурун Москва ёшлари саҳна санъатининг ўзларига маълум бўлмаган тури билан биринчи марта танишдилар. К. С. Станиславский номидаги драма театри биносида Франциядан келган меҳмонлар — Ив Лорель бошчилигидаги «Париж мимлари» деган ансамбль тамоша кўрсатди. Бу мимика ансамблининг программаларида шарманка жўр қиладиган кичик саҳна асарлари бор. Бу асарларда Париждаги оддий кишиларнинг ҳаётига доир эпизодлар, социал адолатсизлик орқасида эзилган меҳнаткашларнинг образлари тамошабинлар олдида намоён бўлади.

Москвадаги СССР бадиий театри саҳнасида инглизларнинг «Уоркшоп» театри биринчи спектаклни — Шекспирнинг «Макбет» асарини кўрсатди. Профессионал ёшлардан иборат бўлган бу театр коллективи урушдан илгариёқ ташкил этилган эди. Театр коллективи ўз спектаклларини Лондоннинг шарқидаги ишчилар районида кўрсатиб келмоқда. Бу коллектив ана шу районда бирдан-бир театр коллективидир.

31 июль (ТАСС).



МОСКВА. Суратда: Пушкин кўчасидаги «Учар гилам» макети.

III халқаро дўстлик спорт ўйинлари

РЕКОРД НАТИЖАЛАР

III халқаро дўстлик спорт ўйинлари москвликларнинг ва меҳмонларнинг эътиборини кун сайин кўпроқ жалб этмоқда.

31 июльда эркаклар ўртасида говлар орқали 400 метрга финал югуриши ўтказилди. Совет спортчиси Литуев масофани 51,2 секундда босиб ўтиб, халқаро дўстлик ўйинларининг чемпиони бўлди. Унинг ютуғи халқаро дўстлик ўйинларида янги рекорд ҳисобланади. Бу масофага 51,3 секундда етиб келган Ильин (СССР) иккинчи ўринни, 53,9 секундда етиб келган Седов (СССР) учинчи ўринни олди.

Польша спортчиси Фойк эркаклар ўртасида юз метр масофага югуришда ўйинлар чемпиони бўлди. У ана шу масофага 10,5 секундда етиб келди.

Совет спортчиси Крепкина хотин-қизлар ўртасида 100 метрга финал югуришда халқаро дўстлик ўйинларининг чемпиони бўлди. Крепкина бу масофани 11,9 секундда босиб ўтди. Келер (ГДР) иккинчи ўринни, Попова (СССР) учинчи ўринни олди.

Хотин-қизлар ўртасида баландликка сакраш бўйича ўтказилган финал мусобақаларида румин спортчиси Балаш 1 метр 66 сантиметр баландликка сакраб, биринчи ўринни олди. Писарева (СССР) ҳам худди шундай натижага эришиб, иккинчи ўринни эгаллади.

31 июльда сузиш бўйича мусобақалар бошланди. Бу мусобақаларда 14 мамлакат, шу жумладан СССР, Хитой Халқ Республикаси, Шотландия, Бельгия, Сурия, Венгрия, ГДР, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари қатнашадилар.

Сузиш бўйича бугун ўтказилган дастлабки мусобақалар давомида эркин усул билан 100 метр масофага сузишда хитой спортчиси Лин Чинчу ёшларнинг халқаро спорт ўйинларида янги рекорд қўйди. У ана шу масофани 57,2 секундда сузиб ўтди.

Бугун ўт устида ўйналадиган хоккей бўйича мусобақалар бошланди. Бу мусобақаларда Франция, Польша, Миср, ГДР, Япония, Финляндия ва Австрия командалари қатнашмоқдалар. Совет спортчилари мусобақаларнинг бу турида қатнашмайдилар.

Москва Давлат университетининг спорт манежида классик кураш бўйича мусобақалар бошланди. Бу мусобақаларда шахсий биринчилик учун кураш олиб борилади.

31 июль (ТАСС).



МОСКВА. Фестиваль делегатлари пойтахт корхоналари ва музейларини бориб кўрмоқдалар ҳамда уларнинг маданият саройларида, клуб ва театрларда совет ёшлари билан учрашув кечалари бўлиб ўтмоқда. Суратларда: 1. Хитой Халқ Республикаси ёшлари делегацияси Биринчи подшипник заводининг автомат цехида тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда. 2. «Каучук» заводи ёшлари индонезиялик қизни табрикламоқдалар. 3. Индонезия делегатлари В. И. Ленининг Горкадаги уй музейида. В. Хулиев, Е. Шулипов, П. Лисенкин ва Г. Бойко фотолари. (ТАСС ва УзТАГ фотохроникаси).

ХИТОЙ ХАЛҚ-ОЗОДЛИК АРМИЯСИ 30 ЙИЛЛИГИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

ПЕКИН, 31 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради:

Бугун кечқурун Хитой пойтахтининг аҳолиси ва Халқ-озодлик армияси қисмларининг жангчилари, ҳаммаси бўлиб 20 минг киши Хитой Халқ-озодлик армияси тузилган кунининг 30 йиллигини нишонлаш учун Сунь Ят-сен номидаги паркка тўпланди.

Тантанали йиғилишда Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари Чжу Дэ, Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий комитетининг раиси Лю Шао-ци ва Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, шунингдек Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ҳамда секретариатининг аъзолари, Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий комитетининг, Хитой халқ сиёсий маслаҳат кенгашининг, демократик партиялар ва халқ ташкилотларининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишни Пекин халқ комитетининг раиси Пин Чжэнь очди. ХХР Раисининг ўринбосари Чжу Дэ ва ХХР Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Пин Дэ-хуай йиғилишда нутқ сўзладилар.

Пин Дэ-хуай пойтахт аҳолисидан, демократик партиялар ва халқ ташкилотларидан топширилган табрик байроқларини Халқ-озодлик армияси номидан қабул қилиб олди.

Тантанали йиғилишдан кейин паркда халқ сайили бўлди.

«МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ» ЖУРНАЛИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ БОСИЛИБ ЧИҚДИ

«Меҳнаткашлар депутатлари Советлари» журналининг биринчи сони босилиб чиқди ва обуначиларга юборилди. Журнал К. Е. Ворошиловнинг янги нашр вазифаларига бағишланган мақоласи билан бошланади.

Журналда М. Тарасовнинг «Совет ишларига доир баъзи масалалар», Ш. Арушаняннинг «Республика Олий Советининг доимий комиссиялари», Р. Руденконинг «Социалистик қонунчиликни қўриқлаш», В. Лациснинг «СССР Олий Советининг парламентаро алоқалари» сарлавҳали мақолалари, М. И. Калининнинг совет қурилиши масалаларига бағишланган ва эълон қилинмаган ҳамда кам маълум бўлган мақолалари ва нутқларидан парчалар босиб чиқарилган.

«Қишлоқ Советларининг иш практикасидан», «Депутатларнинг кундалик ишлари», «Жойлардан мактублар» деган бўлимларда маҳаллий Советлар ва уларнинг депутатларининг қилма-хил ишларини ёритиб берган мақола ва хабарлар босилган.

Журналнинг бу сонида «Совет ходимлари тўғрисида ҳикоялар», «Советларнинг ўтмишидан», «Китоблар ҳақида сўз», «Консультациялар», «Справка бўлими» ва бошқа материаллар ҳам бор.

ЯНГИ РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радио эшиттириш ва телевидение ишлари комитетининг органи «Радио ва телевидение программалари» газетасининг биринчи сони чиқди.

Газетада Ўзбекистон радио эшиттириш комитети ва Тошкент телевизион студиясининг шу йил 4-10 август кунлари берадиган эшиттириш программаларининг рўйхати берилган. Газетада «Фестиваль кунларида», «Ҳар куни», «Болалар ва ёшлар учун», «Телетехника янгиликлари» рубрикалари бор. Шунингдек, «СССРда телевидение», «Москва» телевизори» сарлавҳали мақолалар, Тошкент телецентри ва радио уйи биноларининг сурати босилган.

Газета рус ва ўзбек тилларида ҳар ҳафтада чиқади.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 2/VIII да Ҳамза. 3/VIII да янги спектакль **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/VIII да **Фра Дьяволо**, 3/VIII да **Севилья сартароши.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Бахт дуоси**, кеч соат 10 да **Ғазаб алангаси.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Чол Ибн Хаттоб.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Излар қолади.**

«УДАРНИК» — **Излар қолади.**

«ХИВА», «САЛЮТ» — **Чол Ибн Хаттоб.**

Радиальная кўча, 30-уйда турувчи **Кундуз Юсупованинг** К. Маркс кўчаси, 69-уйда турувчи **Ҳаким** Юсуповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04911 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1858.